

## Дажжол Макка ва Мадинадан бошқа барча юртларга киради



16:57 / 31.12.2024 3461

إِلَّا دَلَّ بِنَمَسَيْلٍ لِقَامِ مَسْوَهِ لَعْلَلِ لِيَصِيَّبَنَّ لِنَعْنَعُهُ لَلِإِيضَرِّ سَنَأَنَّ ع  
كُلِّ الْمَلْمُؤِ لَعْلَلِ إِيَابِ أُنْأَمُ بَقْنَسَيْلٍ وَنَيْدَمْلُ أَوْ كَمِ الْإِلْجِ دَلُّهُ وَطَيْس  
لَعْلَلِ إِيضَرِّ تَفَجَّرَ ثَالِثُ نَيْدَمْلُ أَلْفُ رَتْفِ بَسْلَابِ لُزْنَيْفِ أَسْرَحَتِ نَيْفِ أَص  
يُقْفَانُ مَوْفَاكَ لُكْ أُنْم

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Дажжол Макка билан Мадинадан бошқа ҳар бир юртни албатта оёқости қилади. Иккисининг ҳар бир йўлини фаришталар саф бўлиб қўриқлайдилар. Шунда у тузли ерга тушади. Кейин Мадина уч марта титрайди, ундан барча кофир ва мунофиқлар у (Дажжол) томонга чиқади».**



ۛوقَرْفَمَنْ مَرَّ اشْئَمَّ لِبَابِ رَشْؤُيَّ فِى رَمْمُؤَيَّ فِى لَاقِ، ۛبِادْكَلِّ اِحْيَسَمْلَانْتَنَ اُ: لُوقَيَّ فِى  
 ۛمُقْ: ۛهَلْ لُوقَيَّ ۛمُتْ، ۛنَيَّ عَطِقْ لَاقِ اِنْبِ لُاجْ دَلِ اِي شَمَّي ۛمُتْ، ۛهَلْ لُوقَيَّ نَبِ قَرْفِي ۛتَح  
 ۛرِي صَبَّ اَلْ اِكْفِي فِى تَدْرَا اَم: ۛهَلْ لُوقَيَّ فِى؟ ۛبِ نَمُوتَا: ۛهَلْ لُوقَيَّ ۛمُتْ، اَم اِقِ يَوْتَسَيَّ فِى  
 ۛلُاجْ دَلِ اُ ۛدُخْ اَيَّ فِى: لَاقِ، ۛسَانْ لَانْ مَرَّ اَبِ يَدْعَبْ لَعْفِي اَلْ ۛنْ اِسَانْ لَانْ اَيَّ اَي: لُوقَيَّ ۛمُتْ  
 ۛهَلْ اِعْيَطْتَسَيَّ اَلْفِ، اَسَا حُنْ هَوْتُ وُقِرْتِ لَاقِ هَوْتُ بَقَرَّ نَبِ اَم لَعَجُ فِى، ۛهَحَبْ دَلِ  
 ۛلِ اِلْ ۛفَدَقْ اَمَّنْ اُسَانْ لَانْ اِسْحَيَّ فِى هَوْتُ فِى دُوقَيَّ فِى، ۛهَلْ لُوقَيَّ ۛمُتْ، اَلْ اَيَّ فِى: لَاقِ، اَلْ اَيَّ فِى  
 ۛبِ رَدْنَعَّ ۛدَا هَشْرَسَانْ لَانْ اَم طَعَا اَدَه: ۛهَلْ لُوقَيَّ فِى لُوقَيَّ اَقِ، ۛهَلْ لُوقَيَّ فِى لُوقَيَّ اَقِ، اَلْ اَيَّ فِى  
 ۛمَلْسُمْ هَاوَر. ۛنَيَّ مَلْ اَعْلَا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Дажжол чиқади. Мўминлардан бир киши у томон боради. Уни Дажжолнинг силоҳли одамлари учратиб, «Қаёққа бормоқчисан?» дейишади. «Анави чиққан одамнинг олдига бормоқчиман», дейди. «Роббимизга иймон келтирасанми?» дейишади. «Роббимиз(нинг сифатлари) махфий эмас», дейди. «Уни ўлдиришлар!» дейишади. Сўнгра улар бири-бирига «Роббимиз менинг изнимсиз ҳеч кимни ўлдирманглар демаганмиди?» дейишади. Сўнг Дажжолнинг олдига боришади. Мўмин уни кўриши билан, «Эй одамлар! Манави Расулуллоҳ алайҳиссалом айтган Дажжол!» дейди. Шунда Дажжол уни юз тубан ётқиздириб, «Уни ушлаб, уринглар!» дейди. Унинг елкасига, қорнига калтак ёғилади. Кейин у: «Менга иймон келтирмайсанми?» дейди. Мўмин «Сен каззоб Масийҳсан!» дейди. Амр қилиниб, унинг бошидан арра солиб, икки оёғи орасидан ажратиб ташлашади. Сўнгра Дажжол икки бўлакнинг орасида юриб, унга «Тур!» дейди. У туради. Кейин Дажжол унга «Энди менга иймон келтирасанми?» дейди. «Сен ҳақингдаги билимим зиёда бўлди, холос! Эй одамлар! Бу мендан кейин бирор кишига бундай қила олмайди!» дейди. Сўнг Дажжол яна уни сўймоқчи бўлади, аммо унинг бўйни билан кекирдаги мисга айлантриб қўйилиб, уни сўя олмайди. Кейин унинг қўл-оёғидан тутиб, улоқтиради. Одамлар уни дўзахга улоқтирди, деб ўйлашади, аслида эса жаннатга улоқтирган бўлади».**

Расулуллоҳ алайҳиссалом: **«Бу - оламларнинг Робби наздида одамларнинг энг улуғ шаҳидидир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилганлар.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**